		MGU 29857			MGU 29950
		MGU 29898	43		MGU 29812
		MGU 29941			MGU 29819
		MGU 29950			MGU 29858
41		MGU 29800			MGU 29902
		MGU 29809	44		MGU 29870
		MGU 29811			MGU 29871
		MGU 29813			MGU 29878
		MGU 29817	45		MGU 29809
		MGU 29818			MGU 29813
		MGU 29870			MGU 29899
		MGU 29871			MGU 29941
		MGU 29883			MGU 29950

## FG4W Товар белгиларига талабномалар бўйича рақамли кўрсаткич

## Нумерационный указатель заявок на товарные знаки

Талабнома рақами		Рўйхатга олиш рақами	
Номер заявки		Номер регистраци	
1		2	
MGU	20142246	MGU	29799
MGU	20142350	MGU	29879
MGU	20150183	MGU	29816
MGU	20150374	MGU	29880
MGU	20150579	MGU	29800
MGU	20150586	MGU	29863
MGU	20150647	MGU	29817
MGU	20150692	MGU	29928
MGU	20150755	MGU	29896
MGU	20150796	MGU	29864
MGU	20150872	MGU	29818
MGU	20150877	MGU	29929
MGU	20150993	MGU	29898
MGU	20151116	MGU	29899
MGU	20151149	MGU	29819
MGU	20151214	MGU	29801
MGU	20151218	MGU	29900
MGU	20151222	MGU	29865
MGU	20151251	MGU	29802
MGU	20151315	MGU	29873
MGU	20151316	MGU	29874
MGU	20151382	MGU	29834
MGU	20151393	MGU	29858
MGU	20151394	MGU	29835
MGU	20151396	MGU	29836
MGU	20151404	MGU	29837
MGU	20151406	MGU	29838
MGU	20151407	MGU	29839
MGU	20151430	MGU	29803
MGU	20151438	MGU	29881
MGU	20151455	MGU	29875
MGU	20151482	MGU	29844
MGU	20151504	MGU	29884
MGU	20151578	MGU	29930
MGU	20151591	MGU	29866
MGU	20151595	MGU	29931
MGU	20151626	MGU	29901
MGU	20151648	MGU	29867
MGU	20151650	MGU	29804
MGU	20151655	MGU	29805
MGU	20151737	MGU	29909
MGU	20151769	MGU	29806
MGU	20151804	MGU	29787
MGU	20151818	MGU	29885
MGU	20151826	MGU	29897
MGU	20151863	MGU	29820

Талабнома рақами		Рўйхатга олиш рақами	
Номер заявки		Номер регистраци	
1		2	
MGU	20151864	MGU	29821
MGU	20151896	MGU	29788
MGU	20151897	MGU	29789
MGU	20151898	MGU	29790
MGU	20151901	MGU	29791
MGU	20151902	MGU	29792
MGU	20151903	MGU	29793
MGU	20151919	MGU	29807
MGU	20151937	MGU	29845
MGU	20151939	MGU	29824
MGU	20151946	MGU	29825
MGU	20151950	MGU	29826
MGU	20151952	MGU	29827
MGU	20151953	MGU	29828
MGU	20151955	MGU	29829
MGU	20151956	MGU	29840
MGU	20151958	MGU	29869
MGU	20151959	MGU	29830
MGU	20151960	MGU	29841
MGU	20151968	MGU	29808
MGU	20152015	MGU	29932
MGU	20152082	MGU	29933
MGU	20152084	MGU	29934
MGU	20152085	MGU	29935
MGU	20152086	MGU	29936
MGU	20152087	MGU	29937
MGU	20152089	MGU	29938
MGU	20152090	MGU	29939
MGU	20152096	MGU	29882
MGU	20152107	MGU	29940
MGU	20152111	MGU	29886
MGU	20152112	MGU	29887
MGU	20152113	MGU	29888
MGU	20152116	MGU	29794
MGU	20152133	MGU	29809
MGU	20152140	MGU	29908
MGU	20152141	MGU	29902
MGU	20152161	MGU	29810
MGU	20152185	MGU	29868
MGU	20152188	MGU	29903
MGU	20152208	MGU	29811
MGU	20152259	MGU	29918
MGU	20152273	MGU	29919
MGU	20152278	MGU	29920
MGU	20152279	MGU	29941
MGU	20152282	MGU	29812

1		2	
MGU	20152287	MGU	29942
MGU	20152296	MGU	29889
MGU	20152306	MGU	29813
MGU	20152345	MGU	29904
MGU	20152346	MGU	29905
MGU	20152353	MGU	29831
MGU	20152354	MGU	29832
MGU	20152355	MGU	29833
MGU	20152357	MGU	29870
MGU	20152358	MGU	29871
MGU	20152367	MGU	29846
MGU	20152429	MGU	29943
MGU	20152440	MGU	29944
MGU	20152441	MGU	29945
MGU	20152449	MGU	29814
MGU	20152463	MGU	29856
MGU	20152469	MGU	29946
MGU	20152472	MGU	29910
MGU	20152512	MGU	29859
MGU	20152513	MGU	29890
MGU	20152516	MGU	29891
MGU	20152529	MGU	29911
MGU	20152530	MGU	29912
MGU	20152531	MGU	29913
MGU	20152539	MGU	29842
MGU	20152545	MGU	29947
MGU	20152550	MGU	29795
MGU	20152561	MGU	29883
MGU	20152562	MGU	29878
MGU	20152564	MGU	29921
MGU	20152566	MGU	29860
MGU	20152574	MGU	29906
MGU	20152578	MGU	29815
MGU	20152581	MGU	29796
MGU	20152582	MGU	29797
MGU	20152585	MGU	29798

1		2	
MGU	20152591	MGU	29847
MGU	20152593	MGU	29822
MGU	20152597	MGU	29823
MGU	20152606	MGU	29892
MGU	20152607	MGU	29948
MGU	20152611	MGU	29843
MGU	20152612	MGU	29848
MGU	20152614	MGU	29849
MGU	20152615	MGU	29850
MGU	20152616	MGU	29851
MGU	20152617	MGU	29852
MGU	20152618	MGU	29853
MGU	20152619	MGU	29854
MGU	20152620	MGU	29893
MGU	20152621	MGU	29894
MGU	20152622	MGU	29855
MGU	20152629	MGU	29872
MGU	20152635	MGU	29857
MGU	20152638	MGU	29922
MGU	20152639	MGU	29923
MGU	20152652	MGU	29876
MGU	20152654	MGU	29877
MGU	20152668	MGU	29861
MGU	20152669	MGU	29862
MGU	20152670	MGU	29895
MGU	20152719	MGU	29914
MGU	20152728	MGU	29924
MGU	20152729	MGU	29925
MGU	20152730	MGU	29926
MGU	20152731	MGU	29927
MGU	20152742	MGU	29915
MGU	20152749	MGU	29907
MGU	20152762	MGU	29916
MGU	20152764	MGU	29917
MGU	20152821	MGU	29949
MGU	20152825	MGU	29950

Ушбу бўлимда 164 та товар белгилари тўғрисидаги маълумотлар нашр қилинди.

В настоящем разделе опубликованы сведения о 164 товарных знаках.

---

---

**ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИГА ОИД  
БИБЛИОГРАФИЯ МАЪЛУМОТЛАРИНИ  
ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН КОДЛАР**

**КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ ДАННЫХ,  
ОТНОСЯЩИХСЯ К ПРОГРАММАМ ДЛЯ ЭВМ  
И БАЗАМ ДАННЫХ**

(11) - рўйхатдан ўтказиш рақами  
(21) - талабнома рақами  
(22) - талабнома топшириш санаси  
(54) - ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар  
базасининг номи  
(57) - ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар  
базасининг реферати  
(71) - талабнома берувчининг исми (номи)  
(72) - ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар  
базаси муаллиф(лар)ининг исми  
(73) - ҳуқуқ эгасининг исми (номи)

(11) - номер регистрации  
(21) - номер заявки  
(22) - дата подачи заявки  
(54) - название программы для ЭВМ или базы  
данных  
(57) - реферат программы для ЭВМ или базы  
данных  
(71) - имя (наименование) заявителя  
(72) - имя автора (ов) программы для ЭВМ или  
базы данных  
(73) - имя (наименование) правообладателя



## VI. ЭХМ УЧУН ДАСТУРЛАР ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ

### 6.1. ЭХМ учун дастурлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ЭХМ учун дастурлар хақида маълумотларни нашр қилиш

#### Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ

(11) DGU 03900

(21) DGU 2016 0343

(22) 15.06.2016

(71) Алиев Райимжон Усмонович, UZ

(72) Икрамов Рустамжон Гуломжонович, Алиназарова Махфуза Алишеровна, Исманова Одина Тўлкинбоевна, Алиев Райимжон Усмонович, Носиров Мурод Зокирович, UZ

(54) "Яримўтказгичли фотоэлементлар параметрларининг ҳароратга боғлиқлиги" физика тажрибаларининг виртуал моделлари

**Виртуальные модели физических экспериментов «Зависимость параметров полупроводниковых фотоэлементов от температуры»**

(57) "Яримўтказгичли фотоэлементлар параметрларининг ҳароратга боғлиқлиги" физика тажрибаларининг виртуал моделлари дастури яримўтказгичли фотоэлементларнинг юзаси, тўйиниш токи, қисқа туташув токи ва сиртга тушаётган нурланиш куввати маълум бўлганда, эффектив кучланиш, ток кучи ва фойдали иш коэффициентининг ҳароратга боғлиқлигини олишга мўлжалланган. Дастур фотоэлементлар тўғрисида тасаввурлар ҳосил қилишга, уларнинг асосий параметрларини тез ва осон аниқлашга ҳамда хулосалар чиқаришга имкон беради. Виртуал моделлар хотирадан жуда кам жой (1 Мб) эгаллаши билан ажралиб туради.

**ЭХМ тури:** Pentium-I ва ундан юқори

**Дастурлаш тили:** Visual Basic-6.0

**Операцион мухит:** Windows 98/2000 ва ундан юқори

Программа Виртуальные модели физических экспериментов «Зависимость параметров полупроводниковых фотоэлементов от температуры» предназначена для получения эффективного напряжения, силы тока и коэффициента полезного действия, зависящих от температуры, когда известны поверхность полупроводниковых фотоэлементов, ток насыщения, ток короткого замыкания и мощность испускаемых излучении поверхности. Программа может иметь представление о фотоэлементах, в которых можно быстро и легко определить их основ-

ные параметры, и даёт возможность делать выводы. Виртуальные модели отличаются тем, что занимают в памяти очень мало места (1 МБ).

**Тип ЭВМ:** Pentium-I и выше

**Язык программирования:** Visual Basic-6.0

**Операционная среда:** Windows 98/2000 и выше

(11) DGU 03901

(21) DGU 2016 0373

(22) 21.06.2016

(71)(72) Нишанов Баётбек Жамшид ўғли, Гафуров Азиз Тулкунович, Туляганов Ойбек Равшанович, UZ

(54) **Электрон онлайн савдо ва электрон ҳужжатлар билан ишлаш учун вэб-платформа Вэб-платформа для электронной онлайн торговли (ЭТП) и ведения электронного документооборота**

(57) Дастурий таъминот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик субъектларни электрон савдоси учун мўлжалланган, шунингдек ҳужжатлар айланмасини юритиш учун зарур воситаларга эга. Вэб – платформа қуйидаги функцияларни бажарилишини таъминлайди: электрон савдоларни ташкил қилиш, аукционлар ўтказиш, савдо танловларини ўтказиш, электрон ҳужжат айланмасини юритиш, аналитик маълумотларни йиғиш ва мониторинг қилиш, бухгалтерия дастурий таъминоти (1C, Scala ва ҳоқозо) билан бўладиган интеграциялаш.

**ЭХМ тури:**

**Дастурлаш тили:** Java

**Операцион мухит:** Debian 8

Программный продукт предназначается для осуществления электронной торговли субъектами предпринимательства на территории Республики Узбекистан, а также имеет необходимые инструменты для ведения документооборота. Вэб – платформа обеспечивает выполнение следующих функций: организация электронных торгов, проведение аукционов, проведение конкурсных торгов, ведение электронного документооборота, сбор и мониторинг

аналитических данных, интеграция с бухгалтерским программным обеспечением (1C, Scala и т.д.)

**Тип ЭВМ:**

**Язык программирования:** Java

**Операционная среда:** Debian 8

**(11) DGU 03902**

**(21) DGU 2016 0399**

**(22) 29.06.2016**

**(71)** Наманган муҳандислик-педагогика институти, UZ

Наманганский инженерно-педагогический институт, UZ

**(72)** Раззаков Собиржон Жураевич, UZ

**(54) Маҳаллий материаллардан қурилган бинолар сейсмик мустаҳкамлигини аниқлаш.**

**SEISM-STAB-BUILDING**

**Определение сейсмостойкости зданий из местных материалов. SEISM-STAB-BUILDING**

**(57)** Дастурий мажмуа бинонинг фазовий чекка элемент моделидан фойдаланиш орқали маҳаллий материаллардан қурилган биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини аниқлаш учун мўлжалланган. Дастурларни бажарилиши натижасида бино тебраниши хусусий частоталарининг динамик хусусиятлари ва унга мос бўлган фазовий шакллари аниқланади. Сейсмик юкламани шакллантиришда иштирок этувчи, олинган шаклларнинг хусусиятларига қараб, бино деворларидаги кучланиш компонентлари ва силжиш аниқланади, уларни таҳлили эса сейсмик таъсирнинг турли интенсивлигида конструкция мустаҳкамлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради. Дастурга чекка элемент дискретизацияси турли даражасини ва конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чекка элемент сонли усули жойланган. Мажмуа алоҳида дастурлардан (модуллардан) тузилган бўлиб, ҳисоблаш моделини яратишдан бошлаб муайян кетма-кетликда ишга туширилиши зарур. чекка элемент модели тавсифини ўз ичига олган ҳисоблаш моделини яратиш, матнли файлдан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

**ЭХМ тури:** PENTIUM -IV

**Дастурлаш тили:** Fortran-90

**Операцион муҳит:** MS-DOS, Windows XP ва юқори

Комплекс программ предназначен для определения сейсмостойкости зданий из местных материалов на основе использования пространственной, конечно-элементной модели здания. В результате выполнения программ определяются динамические характеристики, собственные частоты и соответствующи

щие им пространственные формы колебаний здания. По характеру получаемых форм, участвующих в формировании сейсмической нагрузки, определяются перемещения и компоненты напряжений в стенах здания, а их анализ позволяет судить о прочности конструкции при различной интенсивности сейсмического воздействия. В программе заложен численный метод конечных элементов, позволяющий учитывать конструктивные особенности и различную степень конечноэлементной дискретизации. Комплекс состоит из отдельных программ (модулей), которые необходимо запускать в определенной последовательности, начиная с создания расчетной модели. Создание расчетной модели осуществляется с использованием текстового файла, содержащего описание конечно-элементной модели.

**Тип ЭВМ:** PENTIUM -IV

**Язык программирования:** Fortran-90

**Операционная среда:** MS-DOS, Windows XP и выше

**(11) DGU 03903**

**(21) DGU 2016 0401**

**(22) 30.06.2016**

**(71)(72)** Жўраев Нуриддин Салимжонович, UZ

**(54) Давомат мониторинги**

**Мониторинг посещаемости**

**(57)** Ушбу дастур (СКУД VAR. код тизими) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими тизимларида ўқувчилар давоматини штрих кодли бейжиклар ёрдамида назорат қилади ҳамда ишчи, педагог ходимларнинг ишга келиб-кейтиши вақтларини аниқлаган ҳолда, таълим муассасаларида меҳнат интизомини тартибга солиди. Дарсларга қатнашган, кеч қолган, қатнашмаган ва дарсларни ташлаб кетган ўқувчиларнинг ота-оналарига, ходимларнинг ишга келиш-кейтиш вақтларини эса таълим муассасаси раҳбарига дастурнинг ўзи СМС тарзида автоматик жўнатиши билан бошқа тизимлардан тубдан фарқ қилади. Дарс жадвали ва ўзлаштириш даражасини кузатиб бориш имконияти мавжуд.

**ЭХМ тури:** Pentium IV

**Дастурлаш тили:** Visual Basic 6.0

**Операцион муҳит:** Windows XP, Vista, 7, 8, 8.1, 10

Данная программа ( кодовая система СКУД VAR) контролирует учеников в системе среднеспециального, профессионального и народного образования при помощи бейджика с штрих-кодом, а также в регулировании трудовой дисциплины в учебных заведениях, контролируя своевременную посещаем

мость сотрудников и преподавателей. Отличие от других систем в том, что программа автоматически отправит SMS-сообщение родителям учеников, присутствующих на занятиях, опоздавших, отсутствующих или ушедших до окончания занятий, и руководителю учебного заведения о времени прихода и ухода на работу сотрудников. Имеется возможности наблюдения за расписанием и уровнем успеваемости.

**Тип ЭВМ:** Pentium IV

**Язык программирования:** Visual Basic 6.0

**Операционная среда:** Windows XP, Vista, 7, 8, 8.1, 10

**(11) DGU 03904**

**(21) DGU 2016 0405**

**(22) 01.07.2016**

**(71) (72) Шамсиев Азамат Мухитдинович, Курбаниязов Зафаржон Бабажанович, Шамсиев Жамшед Азаматович, Рахманов Косим Эрданович, Давлатов Салим Сулаймонович,**

**(54) Жигар эхинококкозини ташхислаш ва жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш учун дастур**

**Программа для диагностики и выбора хирургической тактики лечения эхинококкоза печени**

**(57)** Дастур жигар эхинококкозини ташхислаш ва жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш учун мўлжалланган. Дастурнинг функционал имкониятлари: беморларни текшириш бўйича маълумотларини йиғиш, киритиш ва сақлаш; комплекс текширувлар: лаборатория, ультратовуш, рентгенология. Дастур жигар эхинококкозини аниқлаш ва жарроҳлик даволаш тактикаси энг мақбул усулини танлаш, даволаш натижаларини яхшилаш, жарроҳликдан кейинги даврда асоратлар хавфини камайтириш имконини беради. Дастурдан жарроҳликда, жигар эхинококкози билан касалланган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин. Дастур амалий тиббиётда, жарроҳликда, беморларни касалхонага қабул қилишда, даволаш жараёнида, ўз вақтида ташхис қўйиш ва организмнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг зарурий тактикасини танлаш, операциядан кейинги асоратларни камайтириш ва жигар эхинококкози билан касалланган беморларни даволашда жарроҳлик натижаларини яхшилаш учун фойдаланилиши мумкин.

**ЭҶМ тури:** IBM

**Дастурлаш тили:** Delphi 7.0

**Операцион муҳит:** Windows 95

Программа предназначена для диагностики и выбора хирургической тактики лечения эхинококкоза печени. Функциональные возможности программы: сбор, ввод и сохранение данных обследования больных, комплексное обследование; лабораторные, ультразвуковые, рентгенологические анализы. Программа позволяет выявить эхинококкоз печени и выбрать оптимальный метод хирургической тактики лечения, что улучшает результаты лечения и позволяет снизить риск осложнений в послеоперационном периоде. Программу можно использовать в хирургии для улучшения результатов хирургического лечения больных с эхинококкозом печени. Программа может быть использована в практической медицине, в хирургии, при поступлении больных в стационар, в процессе лечения, для своевременной диагностики и выбора необходимой тактики лечения с учетом индивидуальных особенностей организма, для снижения послеоперационных осложнений и улучшения результатов хирургического лечения больных с эхинококкозом печени.

**Тип ЭВМ:** IBM

**Язык программирования:** Delphi 7.0

**Операционная среда:** Windows 95

**(11) DGU 03905**

**(21) DGU 2016 0406**

**(22) 05.07.2016**

**(71)(72) Эшназаров Камолхужа Эшназарович, Асилова Саодат Убайевна, UZ**

**(54) Тизза бўғимларини хирургик даволашдан кейинги беморлар ҳолатини баҳолаш учун дастур**

**Программа для оценки состояния больных после хирургического лечения коленных суставов**

**(57)** Дастур тизза бўғимларини хирургик даволашдан кейинги беморлар ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган. Дастурининг функционал имкониятлари: тизза бўғимлари билан касалланган беморларни жарроҳликдан олдин ва кейинги текшириш бўйича маълумотларини йиғиш, киритиш ва сақлаш. Дастур функционал хусусиятлар: денситометрия маълумотлари, рентгенологик аломатлари ва МРТ бўйича тизза бўғимларини жарроҳлик даволашдан олдинги ва кейинги ҳолатини, бўғимларни буқиш ва ростлаш имкониятларини, кундалик ҳаётдаги фаолликни баҳолаш, аниқланган параметрлар (оғрик, барқарорлик, ҳаракат амплитудаси)га кўра эса тизза бўғимининг ҳолатини баҳолаш имконини беради. Дастур зарурий терапияларни танлаш ва операция қилинган беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш учун фойдаланилиши мумкин.

**ЭХМ тури:** IBM PC 486 ва юқори  
**Дастурлаш тили:** Delphi 7.0  
**Операцион мухит:** Windows 95

Программа предназначена для оценки состояния больных после хирургического лечения коленных суставов. Функциональные возможности программы: сбор, ввод и сохранение данных обследования больных с заболеваниями коленных суставов до и после операции. Программа позволяет по функциональным признакам, данным денситометрии, рентгенологическим признакам, МРТ оценить состояние коленных суставов до и после хирургического лечения, возможность сгибания и разгибания суставов, активность в повседневной жизни, а по выявленным параметрам (боль, стабильность, амплитуда движений) оценить состояние самого коленного сустава. Программа может быть использована для выбора необходимой терапии и улучшения качества жизни оперированных больных.

**Тип ЭВМ:** IBM PC 486 и выше

**Язык программирования:** Delphi 7.0

**Операционная среда:** Windows 95

(11) DGU 03906

(21) DGU 2016 0408

(22) 05.07.2016

(71) Тошкент ирригация ва мелиорация институти, UZ

Ташкентский институт ирригации и мелиорации, UZ

(72) Худаяров Бахтияр Алимович, UZ

(54) **Суюкликнинг ўзгарувчан оқими ҳисобига қувурларнинг параметрик тебраниши**

**Параметрические колебания трубопровода, возбуждаемые пульсирующим потоком жидкости**

(57) Оқим пульсацияси ва ускуналар тебранишидан фойдаланиб интенсив инновацион технологияларни жорий этиш озик-овқат, кимё, энергетиканинг бир қанча ишлаб чиқаришларида, саноатнинг бошқа тармоқлари ва коммунал хўжалик соҳалари ривожига устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Иш шароити жараёнида тебраниш ҳолатлари аралаштириш, эритиш, филтрлаш, маҳсулотни ювиш, ускуналарнинг ички ва ташқи юзаларини ювиш жараёнларида, иссиқлик алмашинувини интенсификациялаш ва бошқа ҳолатлар учун фойдаланилади. Пульсланувчи оқимларни ҳосил қилишга тебранма ҳаракатнинг берилган параметрларида суюклик оқимини вужудга келишини таъминлаб берувчи турли қурилма ва усулларни қўллаш орқали эришилади. Ушбу амалий дастурлар пакети

параметрли тебранишлар ва қовушқоқ эластик қувурларнинг, ундаги пульсланувчи суюкликни оқимини ҳисобга олган ҳолда динамик барқарорлиги ҳақидаги масалаларни ечиш имконини беради. Дастур ҳисоблашда конструкция материалнинг қовушқоқ эластик хусусиятини инобатга олиш имконини беради. Ҳисоблаш натижалари жадвал ва графиклар кўринишида олинади. Дастур таранг деформацияланган ҳолатларни, пульсланувчи суюкликни оқимида тебраниш жараёнларининг барқарорлигини баҳолашда ва ёқилғи-энергия комплексида қовушқоқ эластик қувурларни лойиҳалаштиришда, шунингдек машинасозликнинг бошқа тармоқларида фойдаланилиши мумкин. ЭХМнинг турига қараб дастурнинг ишлаш вақти бир неча сониядан бир неча дақиқагачани ташкил этади.

**ЭХМ тури:** Pentium IV

**Дастурлаш тили:** Delphi 7

**Операцион мухит:** Microsoft Windows XP/7

Внедрение интенсивных инновационных технологий с использованием вибраций оборудования и пульсаций потока является одним из приоритетных направлений развития многих производств в пищевой, химической, энергетической, в других отраслях промышленности и в коммунальном хозяйстве. Колебательные режимы течения рабочих сред используются в процессах смешения, растворения, фильтрации, мойки продуктов, промывки внутренних и внешних поверхностей оборудования, для интенсификации теплообмена и в других случаях. Создание пульсирующих потоков достигается применением разных способов и устройств, обеспечивающих создание потока среды с заданными параметрами колебательного движения. Данный пакет прикладных программ позволяет решить задачи о параметрических колебаниях и динамической устойчивости вязкоупругих трубопроводов с учетом протекающих в них пульсирующих жидкостей. Программа позволяет учитывать при расчетах вязкоупругих свойств материала конструкции. Результаты расчетов получаются в виде таблиц и графиков. Программа может быть использована при оценке напряженно-деформированного состояния, устойчивости колебательных процессов при пульсирующем потоке жидкости и проектировании вязкоупругих трубопроводов в топливно-энергетическом комплексе, а также других отраслях машиностроения. Время работы программы в зависимости от типа ЭВМ составляет от нескольких секунд до нескольких минут.

**Тип ЭВМ:** Pentium IV

**Язык программирования:** Delphi 7

**Операционная среда:** Microsoft Windows XP/7

**(11) DGU 03907****(21) DGU 2016 0411****(22) 08.07.2016****(71)** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, UZ

Ташкентский Государственный педагогический университет имени Низами, UZ

**(72)** Махмудова Дилором Ахмадовна, Акрамов Мирмухсин Рустамович, UZ**(54) Умумий психология****Общая психология**

**(57)** "Умумий психология" электрон мультимедиа-ли дарслик олий ўқув юртлирининг бакалавр таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, психиканинг ривожланиш қонуниятлари, мия ва психиканинг шаҳс хусусиятлари, хусусан характер, темперамент, қобилиятларнинг психологик хусусиятлари бўйича талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини ривожлантириш имконини беради. Компьютер дастурининг функционал имкониятлари: ўқув қўлланма pdf форматда бўлиб, маттни сақлаш, чоп этиш, масштабни ўзгартириш имкониятлари мавжуд; расмлар ва иллюзия қисми оламни психик акс эттириш, идрок хусусиятлари, психик бузилишлар, идрокнинг бузилиши, онг ва онг ости ҳолатларини намоён бўлишини ифодалайди; талабаларни психологик билимини синаш мақсадида тузилган тест саволлари ҳар бир талабани индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашда муҳим омил касб этади. Электрон дарслик таркиби қуйидаги қисмлардан иборат: ўқув қўлланма, ўқув тақдимотлар, изоҳли луғат, фотолавҳалар, иллюзиялар, тест топшириқлари.

**ЭХМ тури:** Pentium-IV**Дастурлаш тили:** Lua, C++, XML**Операцион муҳит:** Windows XP, Windows 7, Windows 8

Электронный мультимедийный учебник "Общая психология" предназначен для студентов высших учебных заведений, обучающихся по направлению бакалавриата, позволяет развивать знания, навыки и квалификацию студентов по закономерности развития психики, мозга и психики, характера личности, в особенности по характеру, темпераменту, психологическим чертам способности. Функциональные возможности компьютерной программы: учебное пособие в pdf формате включает в себя такие возможности, как сохранение, распечатка и изменение масштаба текста; часть изображений и иллюзии позволяют психический отражать вселенную, выражают проявление особенности восприятия, психического нарушения, расстройства восприятия, состояний ума и подсоз-

нания. Составленные тесты с целью проверки психологических знаний студентов играют значительную роль при определении индивидуальных особенностей каждого студента. Электронный учебник состоит из следующих частей: учебное пособие, учебные презентации, толковый словарь, фотофрагменты, иллюзии, тесты.

**Тип ЭВМ:** Pentium-IV**Язык программирования:** Lua, C++, XML**Операционная среда:** Windows XP, Windows 7, Windows 8**(11) DGU 03908****(21) DGU 2016 0419****(22) 13.07.2016****(71)** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўқув маркази, UZ

Учебный центр Министерства финансов Республики Узбекистан, UZ

**(72)** Пулатов Дилшод Хакбердиевич, Острогужская Элла Ильинична, Ахунов Тимур Искандерович, UZ**(54) Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш****Паспортизация бюджетных организаций**

**(57)** Дастур бюджет ташкилотлари ҳолатини тавсифлаш ва объектив баҳолаш мақсадида бюджет ташкилотларини паспортлаштириш учун мўлжалланган. Қўлланиш соҳаси: ахборот технологиялари; молия- иқтисод соҳаси. Ушбу дастур бюджет ташкилотларининг асосий фаолиятини, шунингдек бюджет ташкилотларининг асосий ресурслар билан таъминланганлик даражасини характерловчи маълумотлар жамламасининг оптималлашган шаклини ўзида акс эттиради. Функционал имкониятлари: ахборот маълумотларини киритиш, бюджет ташкилотлари паспортлари кидируви, ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш, молиялаштириш манбалари томонидан маблағ харажатларини кўрсатиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳисоблаш.

**ЭХМ тури:** Pentium-IV**Дастурлаш тили:** Java**Операцион муҳит:** Windows XP, Vista, 7, 8, 8.1, 10

Программа предназначена для проведения паспорттизации бюджетных организаций с целью объективной оценки и характеристики состояния бюджетной организации. Область применения: информационные технологии; финансово-экономическая сфера. Данная программа представляет собой оптимизированную форму совокупных данных, характеризующих основную деятельность бюджетных

организаций, а также степень обеспеченности бюджетных организаций основными ресурсами. Функциональные возможности: ввод информационных данных, поиск паспортов бюджетных организаций, проверка финансово-хозяйственной деятельности организаций, указание расходов средств по источникам финансирования, учет дебиторской и кредиторской задолженности.

**Тип ЭВМ:** Pentium-IV

**Язык программирования:** Java

**Операционная среда:** Windows XP, Vista, 7, 8, 8.1, 10

**(11) DGU 03909**

**(21) DGU 2016 0412**

**(22) 11.07.2016**

**(71)(72)** Гуйчиев Лазиз Надирович, Эралиев Умиджан Эргашович, Алимов Эргаш Лутпуллаевич, UZ

**(54) Болаларда ичак инфекцияларини ташхислаш учун дастур**

**Программа для диагностики кишечных инфекций у детей**

**(57)** Дастур болаларда ичак инфекцияларини ташхислаш учун мўлжалланган. Дастурининг функционал имкониятлари: ИФТ, ПЗР бўйича эпидемиология ва лаборатория текширувларга кўра беморларни текшириш ва даволаш ҳақидаги маълумотларни киритиш ва сақлаш. Дастур касалликнинг бактериал этиологияси, вирусли инфекциясини аниқлаш, болаларда касалланиш манбаини ва вақтини аниқлаш ҳамда касалланиш хавфини аниқлаш имконини беради. Дастур тиббий амалиётда беморларни касалхонага қабул қилишда, касалликни ташхислашда ва бемор болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда фойдаланилиши мумкин.

**ЭХМ тури:** IBM PC 486 ва юқори

**Дастурлаш тили:** Visual Basic for Application (VBA)

**Операцион муҳит:** Windows 98

Программа предназначена для диагностики кишечных инфекций у детей. Функциональные возможности программы: ввод и сохранение данных обследования и лечения больных по эпидемиологическим и лабораторным исследованиям по ИФА, ПЦР. Программа позволяет определить бактериальную этиологию, вирусную инфекцию заболевания, определить время и источник заболевания у детей и определить риск заболевания. Программа может быть использована в практической медицине при поступлении больных в стационар, диагностировать заболевание и улучшить качество жизни больных детей.

**Тип ЭВМ:** IBM PC 486 и выше

**Язык программирования:** Visual Basic for Application (VBA)

**Операционная среда:** Windows 98

**(11) DGU 03910**

**(21) DGU 2016 0413**

**(22) 11.07.2016**

**(71)(72)** Бекчанов Салийжан Зарифович, Файзиева Гулнора Абдужаббаровна, Исмаилов Зоҳиджон Нурманович, Бакиева Инобат Бахрамовна, Умарова Дилором Шукуровна, UZ

**(54) Таянч-ҳаракат тизими зарарланган болалар тиббий реабилитацияси самарадорлигини баҳолаш учун дастур**

**Программа для оценки эффективности реабилитации детей с патологией опорнодвигательной системы**

**(57)** Дастур таянч-ҳаракат тизими зарарланган болалар тиббий реабилитацияси самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган. Дастурнинг функционал имкониятлари: беморларни лабораторияга, ультратовушга, рентгенологияга оид комплекс текширув натижаларини ўз ичига олган маълумотларни йиғиш, киритиш ва сақлаш. Дастур реабилитация самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи жинсини, ёшини, ташхисини, манзилни, даволаш натижаларини автоматик таҳлил қилиш имконини беради. Таянч-ҳаракат тизими касалланган болаларни реабилитация қилишда узлуксиз, комплекс, ягона унификация қилинган электрон дастур тиббий реабилитация қилишни ўрганиш ва касаллик асоратларидан ўз вақтида огоҳлантириш имконини беради. Дастур амалий тиббиётда, беморларни касалхонага қабул қилишда, даволаш жараёнида, таянч ҳаракат тизими зарарланган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда зарурий даволаш тактикасини танлашда ва ўз вақтида диагностика қилишда қўлланилиши мумкин.

**ЭХМ тури:** IBM

**Дастурлаш тили:** C#2.0

**Операцион муҳит:** Windows 95

Программа предназначена для оценки эффективности реабилитации детей с патологией опорнодвигательной системы. Функциональные возможности программы: сбор, ввод и сохранение данных обследования больных, включающее комплексное обследование: лабораторные, ультразвуковые, рентгенологические. Программа позволяет автоматически анализировать пол, возраст, диагноз, адрес, результаты лечения, что способствует повышению

эффективности реабилитации. В реабилитации детей с заболеваниями опорно-двигательной системы непрерывная, комплексная, единая унифицированная электронная программа даёт возможность изучения медицинской реабилитации и своевременного предупреждения осложнения заболевания. Программа может быть использована в практической медицине, при поступлении больных в стационар, в процессе лечения, для своевременной диагностики и выбора необходимой тактики лечения с учетом индивидуальных особенностей больного для улучшения качества жизни детей с патологией опорно-двигательной системы.

**Тип ЭВМ:** IBM

**Язык программирования:** C#2.0

**Операционная среда:** Windows 95

**(11) DGU 03911**

**(21) DGU 2016 0435**

**(22) 28.07.2016**

**(71)(72) Сабилова Гулноза Садиқовна, UZ**

**(54) ENGLISH**

**ENGLISH**

**(57)** "English" дастури умумтаълим мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: Personal Pronouns, Possessive pronouns Form 1, Possessive pronouns Form 2, Possessive pronouns Form 3, Possessive pronouns Form 5, Indefinite pronouns, Relative pronouns, Object pronouns. Ушбу дастур инглиз тили олмошларини ўргатувчи дастур бўлиб, бу дастур ёрдамида ўқувчилар ўзларининг ўқиш, ёзиш, тинглаб-тушуниш кўникмаларини ривожлантирадилар. Бу мультимедиа дастури сўзларни киритиш, расмларни танлаш, ҳарфлар ва предметларни жойларини ўзгартириш, гаплар кетма-кетлигини тартибга солиш, жавобларни текшириш ва тўғри жавоблар билан танишиб чиқиш имкониятини беради. Шу билан бирга мультимедиа дастурида ҳаволаси кўрсатилган видео лавҳаларни кўриш имконияти бор.

**ЭҶМ тури:** Pentium-IV

**Дастурлаш тили:** XML, HTML

**Операцион муҳит:** Windows XP, 7,8,8.1,10

Программа "English" предназначена для учеников общеобразовательных школ, состоит из следующих структурных частей: Personal Pronouns, Possessive pronouns Form 1, Possessive pronouns Form 2, Possessive pronouns Form 3, Possessive pronouns Form 5, Indefinite pronouns, Relative pronouns, Object pronouns. Данная программа обучает местоимениям в английском языке, при помощи этой программы учащиеся развивают своих навыков чтения, письма

и аудирования. Данная мультимедийная программа даёт возможности ввода слов, подбора изображений, преобразований мест букв и предметов, упорядочения последовательности предложений, проверки ответов и ознакомления с правильными ответами. Также в мультимедийной программе имеется возможность смотреть видеосюжеты по указанной ссылке.

**Тип ЭВМ:** Pentium-IV

**Язык программирования:** Flash

**Операционная среда:** Windows XP, 7,8,8.1,10

**(11) DGU 03912**

**(21) DGU 2016 0339**

**(22) 15.06.2016**

**(71)** Тошкент ахборот технологиялар университети ҳузуридаги дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази, UZ

Центр разработки программных продуктов и аппаратно - программных комплексов при Ташкентском университете информационных технологий, UZ

**(72)** Равшанов Нормаммад, Палванов Бозорбой

Юсупович, UZ

**(54) «FILTER-SEPAR 1.0» дастури**

**Программа «FILTER-SEPAR 1.0»**

**(57)** Дастур сочилувчан аралашмаларни марказдан қочма сепараторида филтрлаш ва ажратиш жараёнида агрегатнинг ишлаш режимига боғлиқ ҳолда заррачалар ҳаракати траекториясини ва тезлигини аниқлаш учун мўлжалланган. Дастурий мажмуанинг функционал хусусиятлари: сепараторнинг асосий параметрларини (айланиш тезлиги, цилиндрнинг айланма тебранишлари частотаси ва амплитудаси, заррачаларнинг ҳаракатига қаршилик кучи) инобатга олган ҳолда сочилувчан аралашмаларни марказдан қочма сепараторида заррачалар ҳаракати траекториясини ва тезлигини аниқлаш имконини беради; дастурдан фойдаланиш сочилувчан аралашмаларни тозалаш пайтидаги марказдан қочма сепараторнинг асосий параметрларининг ўзгариш оралиғини белгилаш имконини беради; график бошқарув интерфейсига эга; асосий параметрларини киритиш учун ойна; ЭҶМ да сонли ҳисобларни ўтказиш учун ойна; ҳисоблаш эксперименти натижаларини график объектлар кўринишида визуаллаштириш учун ойна. Дастурий мажмуа сочилувчан аралашмаларни тозалаш ва саралаш муаммоларини ўз ваколатига киритган ташкилотларнинг мутахассислари ва тадқиқотчилари томонидан ишлатилиши мумкин.

**ЭҶМ тури:** ЦПУ -1,2 ГГц, ОЗУ - 512 Мб ва юкори

**Дастурлаш тили:** Embarcadero Delphi XE3

**Операцион муҳит:** Windows XP ва юкори

Программа предназначена для определения скорости и траектории движения частиц в зависимости от режима работы агрегата в процессе фильтрования и сепарирования сыпучих смесей на центробежном сепараторе. Функциональные свойства программного комплекса: позволяет определить скорость и траекторию движения частиц сыпучей смеси на центробежном сепараторе при учете основных параметров сепаратора (скорость вращения, частота и амплитуда вращательных колебаний цилиндра, сила сопротивления к движению частицы); использование программы позволяет выбирать диапазоны изменения основных параметров центробежного сепаратора при очистке сыпучих смесей; имеет графический управляющий интерфейс: окно для ввода основных параметров; окно для проведения численного расчета на ЭВМ; окно для визуализации результатов вычислительного эксперимента в виде графических объектов. Программный комплекс может быть использован исследователями и специалистами в организациях, в компетенцию которых входят проблемы очистки и сортировки сыпучих смесей.

**Тип ЭВМ:** ЦПУ -1,2 ГГц, ОЗУ - 512 Мб и выше

**Язык программирования:** Embarcadero Delphi XE3

**Операционная среда:** Windows XP и выше

**(11) DGU 03913**

**(21) DGU 2016 0340**

**(22) 15.06.2016**

**(71)** Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази, UZ

Центр разработки программных продуктов и аппаратно-программных комплексов при Ташкентском университете информационных технологий, UZ

**(72)** Тухтаназаров Дилмурод Солижонович, UZ

**(54) Кўп қатламли пластлардаги суюқлик ёки газ филтрацияси харакати масаласини ҳисоблаш учун дастурий таъминот**

**Программное обеспечение для вычисления задачи движения фильтрации жидкости или газа в многослойных пластах**

**(57)** Дастур кўп қатламли пластларда филтрлаш масаласини ҳисоблаш учун мўлжалланган. Қатламлардаги ва қатламлар орасидан сизиб ўтувчи суюқлик ёки газнинг босим майдонини аниқлайди. Дастурий мажмуанинг функционал имкониятлари: дастурий таъминот яхши ўтказувчанлик ёмон ўтказувчанлик билан алмашииб турувчи кўп қатламли пластлардаги суюқлик ёки газларни филтрлаш масаласининг компьютер моделини тузиш имконини беради; дастурий таъминот ҳар бир қатламда бўла-

ётган жараёнларни таҳлил қилади; дастурий таъминотни лойihalаштириш институтларида, шунингдек шу йўналишдаги таълим муассасаларида қўллаш мумкин. Дастурни ишга тушириш ва ишчи режимини танлаш дастурни бошқариш панеллари орқали амалга оширилади.

**ЭҶМ тури:** Pentium IV ва юқори

**Дастурлаш тили:** Delphi-7

**Операцион муҳит:** Windows XP

Программа предназначена для вычисления задачи фильтрации в многослойных пластах. Определяет поле давления на слоях и перетока жидкостей или газов между слоями. Функциональные возможности программного комплекса: программный продукт дает возможность создать компьютерную модель задачи фильтрации газа или жидкостей в многослойных пластах: чередующиеся, хорошо проницаемые, с плохим проницаемым; программный продукт анализирует процесс, происходящий в каждом слое; программный продукт можно использовать в проектных институтах, а также в учебных заведениях этого направления. Запуск и выбор режима работы программы осуществляется посредством панелей управления программы.

**Тип ЭВМ:** Pentium IV и выше

**Язык программирования:** Delphi-7

**Операционная среда:** Windows XP

**(11) DGU 03914**

**(21) DGU 2016 0341**

**(22) 15.06.2016**

**(71)** Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази, UZ

Центр разработки программных продуктов и аппаратно-программных комплексов при Ташкентском университете информационных технологий, UZ

**(72)** Хўжаев Исмагулла Кўшаевич, Бозоров Орифжон Шодиевич, Болтибаев Шухратжон Комилжанович, UZ

**(54) Даврий режимдаги магистрал газ қувурининг элементар қисмида инерция кучини ҳисобга олган ҳолда газ сарфи ва босимнинг ўзгаришини ҳисобловчи дастур**

**Программа расчета изменений расхода и давления газа на элементарном участке магистрального газопровода с учетом силы инерции в периодическом режиме**

**(57)** Дастур магистрал газ қувурининг элементар қисмида инерция кучини ҳисобга олган ҳолда, кириш ва чиқишдаги газнинг масса сарфи берилганда, гидравлик параметрларни ҳисоблашни амал-



га ошириш учун мўлжалланган. Дастурий мажмуанинг функционал хусусиятлари: қисмли узлуксиз функцияни Фуре катори кўринишида тақдим этиш; даврий ҳолатда магистрал газ қувурининг элементар қисмида газ босими ва масса сарфи қийматини тезкор аниқлаш; инсон-машина ўзаро боғлиқлигини максимал визуаллаштириш мақсадида интерфейс режими ўрнатилган. Дастурдан газ узатиш тизимларини ишлашини оптималлаштириш ва тезкор бошқаришда фойдаланилиши мумкин.

**ЭХМ тури:** Pentium IV ва юқори

**Дастурлаш тили:** Embarcadero Delphi XE3

**Операцион муҳит:** Windows XP ва юқори

Программа предназначена для проведения расчета гидравлических параметров элементарного участка магистрального газопровода с учетом силы инерции при задании массового расхода газа на входе и выходе. Функциональные свойства программного комплекса: представление кусочно-непрерывной функции в виде ряда Фурье; оперативное определение значений давления и массовый расход газа на элементарном участке магистрального газопровода при периодическом режиме; задействован интерфейсный режим с целью максимальной визуализации человеко-машинного взаимодействия. Программа может быть использована при оптимизации функционирования и оперативного управления в газотранспортных системах.

**Тип ЭВМ:** Pentium IV и выше

**Язык программирования:** Embarcadero Delphi XE3

**Операционная среда:** Windows XP и выше

(11) DGU 03915

(21) DGU 2016 0415

(22) 12.07.2016

(71) (72) Хошимхуджаева Мохирух Музаффаровна, UZ

(54) "Plantarium" ўсимликлар номларининг электрон луғати

Электронный словарь названий растений "Plantarium"

(57) Ушбу электрон илова тўрт тилдаги (ўзбекча, русча, инглизча, лотинча) ўсимликлар номлари луғати бўлиб, ўзбек тилидаги умумий ишлатиладиган ўсимликлар номларини жамлаган ҳолда, уларнинг уч тилдаги таржимаси ва энг кўп тарқалган диалектикаларини ҳавола қилади. Мазкур луғатни яратишдан асосий мақсад ўзбек тили лексикасидаги ўсимлик номларини тўлиқ жамлаб бериш ва уларни диалектикасига оид вариантлар билан уч тилга таржима қилишни ўз ичига олади. Шунингдек луғат

бир қатор функционал имкониятлар орқали таржима жараёнини соддалаштиришга йўналтирилган: 1) асосий ойнада луғатга киритилган сўзларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган; 2) иккинчи ойнада танланган ўсимлик номи ҳақида маълумот (таржимаси, шевага хос вариантлари ва фотосурати) келтирилган; 3) Луғат уч (ўзбек, рус, инглиз) тилдаги интерфейсга эга; 4) киритиш каторида сўзларни аниқлаш; 5) қўшимча маълумот учун танланган сўзни интернетдан қидириш функцияси киритилган; луғат кенг доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ва 617 та луғавий мақоладан иборат бўлиб, хусусан, филология ва таржимашунослик, ботаника ва фармацевтика соҳаларидаги мутахассислар, шунингдек олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, ушбу йўналиш бўйича ўқиётган коллеж ва лицей талабалари учун хизмат қилади.

**ЭХМ тури:** Pentium III ва юқори

**Дастурлаш тили:** Delphi

**Операцион муҳит:** Windows XP и выше

Настоящее электронное приложение является четырёхязычным (узбекско-русско-англо-латинский) словарём названий растений, базирующимся на общеупотребительных названиях растений на узбекском языке, и их переводе на три языка с самыми распространёнными диалектными вариантами. Основная цель создания данного словаря заключается в предоставлении полного сбора названий растений в лексике узбекского языка и их переводе на три языка с диалектными вариантами. Также словарь нацелен упростить процесс перевода посредством ряда функциональных возможностей: 1) В главном окне представлен весь список названий растений; 2) Во втором окне представляется информация о выбранном слове (перевод с диалектными вариантами и фото растения); 3) интерфейс на трёх языках (узбекский, русский, английский); 4) распознавание слов в строке ввода; 5) возможность поиска выбранного слова в интернете для дополнительной информации. Словарь состоит из 617 словарных статей и предназначен для широкой аудитории пользователей, в частности, для специалистов в сфере филологии и перевода, ботаники и фармацевтики, а также преподавателей и студентов вузов, колледжей и лицеев по сопутствующим направлениям.

**Тип ЭВМ:** Pentium III и выше

**Язык программирования:** Delphi

**Операционная среда:** Windows XP и выше

(11) DGU 03916

(21) DGU 2016 0421

(22) 14.07.2016

**(71) (72)** Ахраров Саидбахрам Акбарович, Хайруллаев Мухиддин Хуснитдинович, UZ

**(54)** «AllStore» электрон савдо майдончаси  
Электронная торговая площадка «AllStore»

